

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



norma.uz
nrm.uz



АЖларга хорижий инвесторларни жалб қилиш мuddатлари узайтирилди

Президентнинг 23.01.2017 йилдаги ПҚ-2737-сон қарори билан республика акциядорлик жамиятлари томонидан хорижий инвесторларни жалб қилиш мuddатлари узайтирилди, шунингдек илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга айрим ўзгаришлар киритилди.

Эслатиб ўтамиз, Вазирлар Маҳкамасининг 5.08.2016 йилдаги 252-сон қарори билан акциядорлик жамиятларининг рўйхатлари тасдиқланиб, улар томонидан хорижий инвесторларни жалб қилишнинг тегишли мuddатлари белгиланган эди.

252-сон қарорга ўзгаришлар киритилди, уларга мувофиқ акциядорлик жамиятлари хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича мажбуриятларини қуйида кўрсатилган мuddатда бажаришлари лозим:

1-иловага киритилганлари, – 2017 йил 1 октябрғача (илгари – 2016 йил 1 ноябрғача);

2-иловага киритилганлари, – 2017 йил 31 декабрғача (илгари – 2016 йил 31 декабрғача).

Иловаларга ҳам алоҳида позицияларнинг қисқартирилиши билан боғлиқ айрим ўзгаришлар киритилди.

Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган Юридик шахслар-

нинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қайта ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари рўйхати (252-сон ВМҚа 5-илова) кенгайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 10.02.2016 йилдаги 33-сон қарорига ҳам тузатишлар киритилди, бунда Устав капиталидаги камида 15 фоиз улуши, шу жумладан қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан, хорижий инвесторларга сотиладиган акциядорлик жамиятларининг рўйхати (2-илова) тузатишлар киритилди.

Бундан ташқари, Ишлаб чиқариш ва стратегик ҳом ашёни дастлабки қайта ишлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи акциядорлик жамиятларининг, шунингдек табиий монополиялар субъектларининг ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматларни тартибга солиб бориладиган нархлар бўйича етказиб берувчиларнинг рўйхати (3-илова) тузатишлар киритилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияга Бош прокурор раҳбарлик қилади

Президентнинг 2.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сон қарори билан 2017–2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури, шунингдек Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Давлат дастурига коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги 5 та устувор йўналиш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар киритилди:

○ коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

○ аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

○ давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар;

○ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

○ коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, тадқиқотлар ўтказиш, халқаро ҳамкорлик.

Дастурни амалга ошириш доирасида давлат хизмати тизимини яратиш ва унинг фаолияти асосий тамойилларини, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантиришга, давлат хизматида ишга киришга бўлган талабларни, уни ўташни ва яқунлашни тартибга солишчи «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини (1.10.2017 йилга қадар) ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Бундан кейин мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан ўз мансаб ёки хизмат вазифаларини бажариш сифатини баҳолаш тизимини ва стандартларини, самарадорлик мезонларини белгилловчи идоравий ҳужжатлар тасдиқланади.

Бундан ташқари, 1 октябрғача «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги ва «Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни тугаллаш режалаштирилмоқда.

Ишлаб чиқилаётган коррупцияга қарши курашишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламида «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъмин-

лаш тўғрисида»ги, «Жамоат назорати тўғрисида»ги (1.07.2017 йилга қадар) ҳамда «Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1.01.2018 йилга қадар) қонун лойиҳалари ва бошқа қонун лойиҳалари ҳам бор.

Шунингдек қарор билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси таркиби тасдиқланди. Унга республика Бош прокурори раислик қилади.

Республика комиссияси тўғрисидаги низомда унинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланган.

Комиссия фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ва ўз мажлисларини заруратга қараб, аммо чоракда камида 1 марта ўтказиш таъкидлаб ўтилган. Комиссия мажлисларига давлат органлари, бошқа ташкилотлар вакиллари, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идораларо комиссиялар раҳбарлари тақлиф этилиши мумкин. Комиссиянинг ишчи органи функциясини Бош прокуратура бажаради.

Фуқаролар шаҳарда квартираларни қандай сотиб олишлари мумкин

Вазирлар Маҳкамасининг 16.01.2017 йилдаги 14-сон қарори билан Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оилаларга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ҳужжатда 2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини (22.11.2016 йилдаги ПҚ-2660-сон қарори билан тасдиқланган) амалга ошириш тартиби белгиланган.

Қуйидагилар кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

○ банк томонидан ажратиладиган кредитлар;

○ ўзининг уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд ходимлари учун кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштиришда улуш қўшиб қатнашишга тайёригини билдирган нодавлат ташкилотларининг ўз маблағлари;

○ халқаро ва хорижий молиявий институтларнинг буюртмачига¹ кредит ажратиш учун берилган кредитлар, шу жумладан грантлари ва инвестициялари;

○ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

Шаҳарларда кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва буюртмачига кредит ажратиш тасдиқланган схема бўйича амалга оширилади.

Дастурни амалга ошириш тартиби қуйидагича белгиланган.

Биринчи қадам: муҳтожларни аниқлаш

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган

жисмоний шахсларни бириктириш ҳудудий комиссия² томонидан қуйидаги мезонлардан бири мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

○ ўз уй-жойининг йўқлиги ва ижара (аренда), бепул фойдаланиш шартларида турар жойда ёки эскирган уйларда яшаш;

○ бир уйда (бир квартирада) бошқа оила ёки бошқа оилалар билан биргаликда яшаш;

○ кўп болали оила;

○ она (ота)нинг тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбиялаши;

○ ариза берувчининг оила аъзолари



¹Дастур доирасида арзон кўп квартирали уйлар массивларини реконструкция қилиш ва қуриш, намунавий лойиҳалар бўйича зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши функциялари юкланган ҳолда «Ўзшаҳар қурилиш инвест» МЧЖ республика ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси буюртмачи ҳисобланади.

²Кўп квартирали уйлардаги квартираларни бириктириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича ҳудудий комиссияга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар шаҳарлари ва Тошкент шаҳри туманлари ҳокимлари раислик қилади.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-бетда

орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахсларнинг мавжудлиги;

- сила тарихида биринчи гуруҳ ногирони мавжудлиги;
- турар жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турар жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги.

Квартирани бириктириш учун жисмоний шахс ҳудудий комиссияга ариза, унинг молиявий ҳолатини тасдиқлайдиган ҳужжатлар, шунингдек белгиланган мезонларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этади.

Ҳудудий комиссия ҳафтада камида бир марта уй-жой шароитларини яхшилашга топширилган аризаларни қўриб чиқади, ўрганиш натижалари бўйича квартирани бириктириш ёхуд рад этишнинг аниқ ва асосланган сабабларини кўрсатиб рад этиш тўғрисида протокол қарорини қабул қилади.

Ҳужжатда квартира бириктиришни рад этиш сабаблари белгиланган.

Жисмоний шахс унга квартира бириктирилгандан кейин 60 календар кундан кечикмай харид қилинаётган квартира қийматининг камида 25%ни миқдоридида пул маблағларини (дастлабки бадални) алоҳида жамғарма депозит ҳисобрақамига тўлаши лозим.

Иккинчи қадам: квартираларни сотиш ва ипотекани расмийлаштириш

Квартираларни сотиш банкка³ топширилади ва тегишли харажатлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳар бир квартирани қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида бюрократчи томонидан тақдим этилган нархлар бўйича амалга оширилади.

Квартиралар жисмоний шахснинг тўлиқ ўз маблағлари ҳисобига ёки юридик шахс – иш берувчининг маблағлари ҳисобига сотиб олиниши мумкин. Мазкур ҳолатда квартирага мулк ҳуқуқи нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси билан расмийлаштирилади. Ёхуд жисмоний шахс банкнинг кредитларидан фойдаланади, бунда квартира банкнинг гаровида туриши керак.

Ипотека кредити миқдори дастлабки бадални чегирган ҳолда кўп квартиралар уйдаги квартиралар қийматининг кўпи билан 75%ни ташкил этади.

Ипотека кредитлари 3 йиллик имтиёзли давр билан, дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 5 фоиз миқдоридида фоиз ставкаси ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 20 йил муддатга берилади. Бунда олтинчи йилдан бошлаб фоиз ставкаси МБнинг кредит олиш учун жисмоний шахс томонидан ариза тақдим этилган санада амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб белгиланади ва кредит шартномасида қайд этилади.

Бунда банк филиалига ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- қарз олувчининг (биргаликда қарз олувчи⁴)нинг паспорти;
- қарз олувчининг (биргаликда қарз олувчилар)нинг молиявий ҳолатини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Қуйидагилар молиявий ҳолатни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ҳисобланади:

- доимий иш жойига эга бўлган фуқаролар учун – белгиланган шакл бўйича иш берувчи томонидан берилган охириги 12 ойдаги даромадлар (12 ойдан кам ишланган тақдирда – ишлаб берилган давр учун) тўғрисидаги маълумотнома;

➢ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган даромадларнинг бошқа манбаларига эга бўлган фуқаролар учун (шу жумладан деҳқон (фермер) ҳўжаликлари бошликлари ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар учун) – улар яшайдиган жой бўйича солиқ органи томонидан тасдиқланган охириги 12 ойдаги даромадлар тўғрисидаги декларацияларнинг нусхалари.

Банк томонидан ижобий қарор қабул қилингандан кейин:

- банк 1 кун муддатда қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчига хабар беради, қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи) билан кредит шартномаси тузади ва квартира қиймати келишилганлиги ҳақида далолатнома тузади;

○ қарз олувчи кўп квартиралар уйдаги сотиб олинган квартирани йўқотиш, шикастланиш ва нобуд бўлиш хавфидан тўлиқ қийматда банк фойдасига сўғурта қилади;

○ олди-сотди шартномаси нотариал расмийлаштирилади ва бир вақтнинг ўзига мулк ҳуқуқи расмийлаштирилган ва қонун асосида ипотека давлат рўйхатидан ўтказилган ҳолда унинг «Ергеодекадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий бўлимларида давлат рўйхатидан ўтказилиши амалга оширилади;

○ квартирани гаровга қўйиш эр (хотин)нинг розилиги бўлган тақдирда нотариал расмийлаштирилади.

Учинчи қадам: олинган кредитни сўндириш

Олинган ипотека кредити кредит шартномасида белгиланган шартларга мувофиқ қайтарилади. Бунда асосий қарзни қайтариш имтиёзли давр тамом бўлгандан кейин ипотека кредитининг бутун муддати мобайнида ҳар ойда амалга оширилади. Берилган ипотека кредитига фоизлар ҳар кун ипотека кредити қолдиғига ҳисобланади ва бир ойда 1 марта ундириб олинади.

³Банк – кўп квартиралар уйлари қуриш ва реконструкция қилиш учун буюртмачиларга кредитлар бериш, шунингдек кўп квартиралар уйлари сотиб олиш учун қарз олувчиларга ипотека кредитларини расмийлаштириш йўли билан квартираларни сотиш функциялари юкланган ҳолда «Ипотека-банк» АТИБ.

⁴Биргаликда қарз олувчи – қарз олувчининг эри (хотини), яқин қариндошлари, ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, болалари) ҳамда ипотека кредити ва унинг юзасидан фоизлар бўйича ҳар ойлик тўловларда қатнашувчи, шунингдек ипотека кредити бўйича солидар жавоб берувчи бошқа жисмоний шахслар.

Классификаторга янги касблар қўшилди

Меҳнат вазирининг буйруғи (АВ томонидан 27.01.2017 йилда 2855-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига (19.06.2015 йилда 164-сон БМК билан тасдиқланган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ишчиларнинг асосий касблари классификатори (1-илова) иккита янги позиция билан тўлдирилди: катализаторчи ва ҳаракатланувчи майдалаш қурilmаси машинисти.

Ўз навбатида, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари классификаторига (2-илова) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ходимлари лавозимлари: мудир, бош инспектор, етакчи инспектор, инспектор лавозимлари киритилди.

Бундан ташқари, Классификаторда қуйидагилар ҳам санаб ўтилган:

- етакчи ва бош инспектор;
- етакчи ва бош маслаҳатчи;
- етакчи ва бош эксперт;
- ФХДЭ органларида инспектор (биринчи тоифали, иккинчи тоифали);
- ФХДЭ архиви мудир;
- нотариал архив мудир;
- нотариал идора қотиби;
- хунарманд уста.

Буйруқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 30.01.2017 йилдаги 4-сонда расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун даъвогарлар диққатига

2017 йил 25 февралда солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун имтиҳон ўтказиш режалаштирилмоқда.

Солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича таълим курсидан белгиланган тартибда ўтган шахслар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига малака имтиҳонини топширишга қўйиш ҳақидаги аризани тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда 2017 йил 15 февралгача тақдим этишга ҳақлидирлар (маълумот учун телефон 239-29-31).

Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми (АВ томонидан 17.12.2007 йилда 1749-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган даъвогарлар солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун имтиҳон топширишга қўйиладилар.

Вазир ўринбосари М.МИРЗАЕВ.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 7 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, бошқа ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:^{*)}

1 Австралия доллари	2526,74	1 Малайзия ринггити	745,42
1 Англия фунт	477,78	1 Польша злотийси	825,83
1 Дания кронаси	4113,49	1 СДР	4477,69
1 БАА дирҳами	178,87	1 Туркия лираси	890,69
1 АҚШ доллари	3294,74	1 Швейцария франки	3322,99
1 Миср фунти	178,87	1 ЕВРО	3539,47
1 Исландия кронаси	29,21	10 Жанубий Корея вон	28,99
1 Канада доллари	2532,08	10 Япония иенаси	293,26
1 Хитой юани	480,56	1 Россия рубли	55,55
		1 Украина гривнаси	121,68

^{*)} Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўнбў қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмасдан.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси

1-2-бетлар

• РАСМИЙ ҲУҶЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармони:

– «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш

учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада

соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:

– «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Идораий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

– ЎЗР МВ, ДСҚнинг «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори қирғилиғиш муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми»ни муқаддир

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲИЙ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	6.02.2017	1	1,9111	1	2,0593	1	0,0324
Арманистон	3.02.2017	1	485,8	1	521,8	1	8,16
Беларусь	6.02.2017	1	1,9267	1	2,0724	100	3,2492
Грузия	6.02.2017	1	2,6816	1	2,8806	100	4,5118
Қозғоғистон	6.02.2017	1	322,92	1	346,91	1	5,42
Қирғизистон	3.02.2017	1	69,4271	1	74,6376	1	1,1825
Молдова	6.02.2017	1	19,9274	1	21,3832	1	0,3361
Россия	4.02.2017	1	59,3137	1	63,8156	–	–
Тожикистон	6.02.2017	1	7,9029	1	8,4846	1	0,1307
Туркменистон	6.02.2017	1	3,5000	1	3,7734	100	5,9307
Украина	6.02.2017	100	2 707,7975	100	2 908,4453	10	4,5652

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

масига ўзгартириш қирғилиғиш ҳақидаги қарори: – ЎЗР молия вазирининг «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларини харажатлар сметаси ва штат маддалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми» қўшимча қирғилиғиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йилнинг IV чорағида «Солиқ ва бошқона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Махсус кийим-бош берилиши шарт – Махбурятни ҳужжат билан белгиланган – Иш берувчи ходимлар учун масъул – Ишлаб беришнинг, прогност учун ишдан бўшатилар

– Филиал вилоятда бўлганда...

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Филиалга эгасига ёқмаганда

– Вақтинча зарурат

– Ҳаммаси қонунга мувофиқми?

– Бошқа давлат фуқароси

7-бет

8-бет

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб бошиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

T/p	Меъёрий ҳужжатнинг номи	Ҳужжатни тасдиқлаган орган	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
3	Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида	ЎзР ДБҚ	2016 йил 10 октябрь, 2606-2-сон	43-сон «СБХ»
4	«Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	ЎзР МВ	2016 йил 12 октябрь, 1961-1-сон	44-сон «Норма маслаҳатчи»
5	Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР МВ	2016 йил 12 октябрь, 1297-2-сон	44-сон «Норма маслаҳатчи»
6	Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомининг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида	ЎзР МВ бошқаруви	2016 йил 19 октябрь, 1835-3-сон	44-сон «Норма маслаҳатчи»
7	Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомининг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида	ЎзР МВ бошқаруви	2016 йил 19 октябрь, 1697-3-сон	44-сон «Норма маслаҳатчи»
8	Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ	2016 йил 26 октябрь, 2835-сон	46-сон «Норма маслаҳатчи»
9	Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ, МВ бошқаруви	2016 йил 3 ноябрь, 2836-сон	46-сон «СБХ»
10	Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	ЎзР Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	2016 йил 18 ноябрь, 2219-6-сон	48-сон «СБХ»
11	Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (70-сон АФМС) «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тасдиқлаш тўғрисида»	ЎзР МВ	2016 йил 1 декабрь, 2844-сон	50-сон «СБХ»

ИДОРАВИЙ ҚАРОРЛАР, ФАРМОЙИШЛАР, ХАТЛАР ВА ХАБАРЛАР

T/p	Ҳужжатнинг номи	Ҳужжатни тасдиқлаган орган	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
1	2017 йил учун иш вақти ҳисоб-китоби	Меҳнат вазирлиги	2016 йил 31 декабрь, 02-05/3196-сон	46-сон «СБХ»

БОШҚА АХБОРОТ

Номи	Тайёрлаган орган	Газета сони
2016 йил учинчи чораги учун ягона солиқ тўловини ҳисоблашга доир тавсиялар	Norma Ekspert	41-сон «СБХ»
2016 йил учинчи чораги учун ЖШДС, ЯИТ ва фуқароларнинг сугурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари тўлдиришга доир тушунтиришлар	Norma Ekspert	42-сон «СБХ»
2016 йилнинг III чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати	-	42-сон «СБХ»
Олий ўқув юртида пуллик асосда таълим олганда бериладиган имтиёзлар ҳақида («Ўқш учун тўлов: имтиёз бериш ва ҳисобга олиш»)	Norma Ekspert	44-сон «СБХ»
1.11.2016 йилдан белгиланган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш нархлари ЯСТ ва ЯИТнинг энг кам миқдорларининг қўлланилиши («ЯСТ ва ЯИТ: энг кам миқдорда ҳисоблашмиш»)	-	45-сон «СБХ»
Ходим билан иш бериш учун ўртасида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида келишувнинг намунавий шакли («Тарафларнинг келишувига кўра ишдан бўшатиш»)	Norma Online	46-сон «Норма маслаҳатчи»
Ишдан бўшаган ходимга меҳнат дафтарчасини беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатноманинг ҳамда ишдан бўшаган ходимга юбориладиган меҳнат дафтарчасини олиб кетиш кераклиги ҳақидаги билдиришнома намуналари («Ҳар қандай йўл билан қайтарилсин»)	-	48-сон «Норма маслаҳатчи»
Ваколатларни юклаш ва имзо қўйиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги буйруқ намунаси («Ваколатларни юклашмиш»)	Norma Online	48-сон «Норма маслаҳатчи»
Ташкилот ходимига автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини беришга ишончнома намунаси («Хизмат автомобили: ишончнома ёки йўл вақчаси»)	Norma Online	48-сон «Норма маслаҳатчи»
Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг ИФУТ асосида такомиллаштирилган таснифлагичини амалга киритиш тўғрисида («ХХТУТ ўрнига ИФУТ»)	Norma Online	49-сон «СБХ»
Жуда тез бўзилувчи ва тез бўзилувчи маҳсулотларни сақлаш шартлари ва яроқлилик муддатлари («Сезик офат келтирмасин»)	-	51-сон «Норма маслаҳатчи»
2016 йилда қабул қилинган, йиллик ҳисоботни тайёрлашда зарур бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида («2016 йилги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар»)	Norma Ekspert	52-сон «СБХ»
Юридик шахсни қайта ташкил этишда тузилладиган меҳнат шартномасига қўшимча битим намунаси («Қайта ташкил этиш – ишдан бўшатишга сабаб бўла олмайдими»)	Norma Online	52-сон «Норма маслаҳатчи»



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Тадбиркорлик субъектларида давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРОВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

– ЎЗР МВ, ДСҚнинг «Ягона иктимой тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона иктимой тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми»ни муқаддасига ўзгариш киритиш ҳақидаги қарори;

– ЎЗР молия вазирининг «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига қўшимчалар киритиш ҳақидаги буйруғи.

• 2016 йилнинг IV ЧОРАТИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАХАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РҲҲАТИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК МАҚСАДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ СОТИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 23.01.2017 йилдаги 3 (763)-сон, 41-модда)

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва бу жараёни жадаллаштириш, уларни хусусийлаштиришда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, хусусий мулк қилиб сотилган объектларда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига давлат мулки бўлган ностратегик объектларни, шу жумладан давлат кўчмас мулк объектларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи бериллади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига йўналтирилади, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тасарруфида қолдириладиган маблағлар бундан мустасно;

янгилар иш ўринлари яратиш имконини берган асосий фондларни модернизациялаштирган ва мукамал таъмирдан чиқарган давлат мулки объектларининг ижарачисига уни хусусийлаштиришда ижарага олинган объектни биринчи навбатда сотиб олиш учун устун ҳуқуқ бериллади;

танлов ва аукционнинг бирдан бир қатнашчисидан савдо шартларига тўлиқ мос келадиган таклиф тушганида давлат мулки объектларини харид қилиш-сотиш тўғрисидаги шартнома-ни тузишга рўхсат бериллади;

2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб давлат мулки объектларини баҳолаш активлар қийматига таъсир қилувчи бозорнинг жорий конъюнктурасини ва объектив омиллар йиғиндасини

ҳисобга олувчи янгиланган миллий стандартлар асосида амалга оширилади;

сотилаётган давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари бўйича харид тўловларини тўлаш мuddати давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда Ҳукумат ёки Тендер савдоларини ўтказувчи давлат комиссиясининг қарорларида бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, 3 йилгача мuddатни ташкил этиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектурилиш» қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати хулосасига мувофиқ яроқсиз деб топиладиган давлат кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан қабул қилинади.

2. Қуйидагилар тақиқлансин:

Ўзбекистон Республикасининг талабгор резидентларидан танлов савдоларида давлат мулки объектларини сотиш вақтида бюротманом ва бизнес-режадан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, давлат мулкнинг стратегик объектларини сотиш ҳоллари бундан мустасно;

давлат органлари, шу жумладан назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар томонидан хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектлар қийматини баҳолаш натижаларини қайта қўриб чиқиш ва бекор қилиш масалаларини ўртага қўйиш.

3. Давлат мулки объектларини сотишда халқаро амалиётда кенг фойдаланилаётган қуйидаги шакллар жорий этилсин:

фонд биржасида аҳолига ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига акцияларни бирламчи (IPO) ва иккилламчи (SPO) ошқора таклиф этиш;

ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан электрон шаклда ўтказиладиган танлов ва аукцион.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2017 йилнинг 1 апрелига қадар акциядорлик жамиятларининг рўйхати ҳамда уларнинг акцияларини халқаро амалиётта мувофиқ

аҳолига ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) ошкора таклиф этиш тартиби юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда давлат мулки объектларини сотиш бўйича ҳудудий танлов комиссиялари зиммасига:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда фойдаланилмайётган давлат мулки объектларини ўз вақтида топиш ва рўйхатини аниқлаш ҳамда уларни танлов савдоларига тезкорлик билан қўйиш;

фойдаланилмайётган давлат мулки объектларининг оммавий ахборот воситаларида, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида албатта эълон қилинишини таъминлаш;

аниқ белгиланган мезонларга, шу жумладан, инвестицияларнинг ҳажмлари ва янги иш ўринлари яратиш шартларига риоя этилган ҳолда савдолар ўтказилиши тўғрисидаги эълонлар расмий нашр этилган кундан бошлаб 60 кундан ошмаган муддатда давлат мулки объектларини сотиш бўйича танлов ўтказилиши ташкил қилиш вазифаси юклансин.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан республика миқёсларида ўтказилган ёппасига хатлов натижалари бўйича хусусий мулк қилиб, шу жумладан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш учун 600 тадан кўпроқ фойдаланилмайётган давлат мулки объектлари аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда хатлов натижаларига қўра аниқланган давлат мулки объектларини

хусусий мулк қилиб, шу жумладан «ноль» харид қийматида сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

давлат мулки стратегик объектларининг ягона рўйхатини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинадиган давлат мулки объектларини аниқлаш мезонларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

7. Умумбелгиланган соқилқар тўловчи давлат мулки объектларининг сотиб олувчилари — ташкилотлар олди-сотиш шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб 12 ой муддатга янги сотиб олинган давлат мулки объектлари бўйича мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинсин, бўшаган маблағлар хусусийлаштирилган объектларни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш ҳамда уларни ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 17 январь
ПФ-4933-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 6.02.2017 йилдаги 5 (765)-сон, 61-модда)

Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни жадал ривожлантириши таъминлаш борасида қулай шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлик тузилмаларига давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан оширишга доир комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қўрилди.

Туман ва шаҳарларда ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (бундан бунён – «ягона дарча» марказлари) томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этган ҳолда рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишининг ошқоралигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳада амалга оширилган ишларнинг таҳлили тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари

кўрсатиш механизмларини янада тақомиллаштириш, «ягона дарча» марказларини самарали бошқариш, улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда тизимли ёндашувни ҳамда уларнинг бошқа давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини белгилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишининг сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда жойларда ҳақ билан бевоқиф мулоқотнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг «ягона дарча» марказларини туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбе-

*Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2.02.2017 йилдаги 24 (6718)-сонида чоп этилган.

кистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Банклар ва кредит бюралари, уларнинг филиал ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш «ягона дарча» марказлари томонидан амалга оширилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

«ягона дарча» марказларининг фаолияти устидан умумий раҳбарлини амалга ошириш, шу жумладан уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, «ягона дарча» марказлари ходимларининг малакасини ошириш;

«ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатишда ваколатли органлар томонидан қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш, уларнинг раҳбарлига аниқланган қўнувзорликлар, бундай ҳолатларга олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни барҳаф этиш тўғрисида қўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдиримомалар киритиш;

«ягона дарча» марказлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича фаолияти самарадорлигини, ушбу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини тизимли таҳлил қилиш;

илгор халқро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, «ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш.

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (бундан буён – Республика комиссияси) 1-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат хизматлари, шу жумладан «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ишлар ҳолатини тизимли таҳлил қилиш;

соҳадаги муаммоларни аниқлаш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалий чора-тадбирлар қўриш, шу жумладан бундай чора-тадбирларни жойларда халқ билан бевосита мулоқот ўрнатиш орқали қўриш.

4. Республика комиссияси икки ҳафта муддатда:

Республика комиссияси фаолиятининг тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссияларни (бундан буён – ҳудудий комиссиялар) тузсин ва уларнинг фаолиятини ташкил этсин.

Ҳудудий комиссияларга тегишinchа Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари раҳбарлиги қилини белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибидан штат бирликлари умумий сони доирасида Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси негизда Давлат хизматлари кўрсатиш мувофиқлаштириш ва ривожлантириш

бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишinchа унинг бўлимлари тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматлари кўрсатиш мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Республика комиссияси ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Қуйидагилар:

2017 йилда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган қўшимча давлат хизматларини жорий этиш жадвали 2-иловага* мувофиқ;

2018–2020 йилларда бошқичма-бошқич жорий этиладиган, фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда 2017 йилда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган қўшимча давлат хизматларини жорий этиш жадвалини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини;

икки ой муддатда 2018–2020 йилларда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини бошқичма-бошқич жорий этиш жадвалини;

2017 йил 1 сентябрга қадар 2018–2020 йилларда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини бошқичма-бошқич жорий этиш жадвалини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2 ва 3-иловаларда белгиланган, фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этишга доир тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни «Лицензия» ахборот тизимлари комплекси доирасида олиш имкониятини яратиш йўли билан «ягона дарча» марказлари орқали қўғоз шаклида бериладиган махсус бланкалардаги рухсатнома ва лицензияларни мажбурий расмийлаштириш талаби 2018 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2017 йилнинг 1 чорагида қуйидагиларни таъминлайдиган «Лицензия» ахборот тизимлари комплексини ишга тушириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

«ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензиялар (бундан буён – рухсатнома ва лицензиялар) олиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш;

тадбиркорлик субъектлари учун қулай шаклда рухсатнома ва лицензиялар олиш тартиби ва муддатлари ҳақидаги маълумотлардан масофадан туриб фойдаланиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома ва лицензиялар олиш тўғрисида электрон шаклда ариза бериш имкониятини яратган ҳолда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларини автоматлаштириш;

тадбиркорлик субъектлари «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари бўйича қаерда ва қай тарзда муурожаат қилганидан қатъи назар, рухсатнома ва лицензиялар олиш тўғрисидаги аризаларни қўриб чиқишининг бориши ва натижасини кузатиш имконияти;

рухсатнома ва лицензиялар реестрларидан маълумот олиш имконияти.

10. 2-иловада кўрсатилган, «ягона дарча» марказлари

*1–3-иловалар «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва norma.uz, ntm.uz сайтларида танишиш мумкин.

орқали давлат хизматларини кўрсатаётган ваколатли органлар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой мuddатда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш орқали тақдим этиладиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини белгиласин ҳамда эскирган ва замон талабларига жавоб бермайдиган ҳужжатлар ва маълумотларни тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиш тўғрисидаги талабларни бекор қилишга доир тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

белгиланган мuddатлардан бошлаб Жадвалга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларидан қабул қилиш амалиётини бекор қилсин;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тизимли чора-тадбирлар кўрсин.

11. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун давлат божии сифатида олинладиган барча маблағлар ҳамда «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва йиғимлар ҳажмининг 10 фоизи миқдоридидаги маблағлар «ягона дарча» маркази фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги номига очилган махсус шахсий ҳисобрақамга ўтказилиши ҳамда келиб тушадиган маблағлар «ягона дарча» марказларини сақлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходим-

лари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантиришга йўналтирилиши белгилансин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда «ягона дарча» марказларининг давлат мулки бўлган барча бино ва иншоотларини, уларга тегишли асбоб-ускуналар, ҳужжатлар ва бошқа мулк Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига белгиланган тартибда текин тақдим этилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри,
2017 йил 1 февраль
ПҚ-2750-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Халқ билан ўтказилаётган очиқ мулоқотлар, тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар лицензия ва рухсатнома бериш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш жараёнларида давлат хизматларини «ягона дарча» тамойили асосида кўрсатишни самарали ташкил этишга тўқсонлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб келаётганини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун ханузгача турли давлат органларига мурожаат этишга мажбур бўлмоқда, лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан зарур даражада фойдаланилмапти, кўпчилик давлат хизматлари, афсуски, ҳали ҳам анъанавий усулларда, қоғоз шаклида кўрсатилмоқда.

Хорижий тажриба шунини кўрсатмоқдаки, «ягона дарча» маркази каби институтлар давлат хизматларининг очикилиги ва шаффофлигини таъминлашда ҳамда давлат органларининг тадбиркорлик тузилмаларига ўз вақтида қўмақлашишга доир фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутати.

Мазкур соҳада тадбиркорлик субъектлари кўтарган долзарб муаммо ва тақлифлар, ўтказилган ўрганишлар натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида сансалорлик, бюрократик тўсиқлар ва расмийчилик ҳолатлари вужудга келишига йўл қўймасликка, замонавий ахборот-коммуникация технология-

ларини кенг қўллаш орқали уларнинг сифати ва самарадорлигини тубдан оширишга қаратилган.

Қарорга мувофиқ туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатётган тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш марказлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарувида ўтказилмоқда. Бу эса «ягона дарча» марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга нисбатан тизимли ёндашуви белгилаш имкониятини беради.

Банклар ва кредит бўйроқлари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш «ягона дарча» марказлари зиммасига юклатилмоқда. Бундай чора тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг мавжуд тарқоқ тизими ўрнига янги, яхлит тизимни яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «ягона дарча» марказлари фаолиятига умумий раҳбарлигини ҳамда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ваколатли орган этиб белгиланди.

Мазкур вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Давлат хизматларини кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси, жойларда эса унинг ҳудудий бўлиmlари ташкил этилди.

«Ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматларини сифатли ва самарали кўрсатишга тўқсонлик қилайдиган муаммолар масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш учун тадбиркор-

лик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика ва ҳудудий комиссиялар ташкил этилмоқда.

Мазкур комиссиялар тизимли равишда, шу жумладан жойларда халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш орқали муаммоларни аниқлаш ва давлат хизматларининг сифати, очиклиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган зарур чораларни кўриш билан шуғулланади.

«Ягона дарча» марказлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 16 турдаги рухсатномаларни бошқа идораларга бормасдан расмийлаштириш амалиёти сансалорликларнинг олдини олишга, тадбиркорлик субъектларининг вақти ва моддий сарф-харажатларини тежашга кўмаклашди.

Ана шундай ижобий амалиётни янада кенгайтириш мақсадида қарорда талаб энг юқори бўлган кўшимча 86 турдаги лицензия ва рухсатномаларни «ягона дарча» марказлари орқали расмийлаштириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилмоқда.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари юқоридаги лицензия ва рухсатномаларни олиш учун бошқа идораларга бормасдан, уларни аниқ муддатларда берадиган «ягона дарча» марказларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади. «Ягона дарча» марказлари барча зарур қелишиш тартиб-таомилларини тадбиркорлик субъекти иштирокисиз мустақил амалга оширади.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январдан бошлаб «ягона

дарча» марказлари орқали тақдим этиладиган лицензия ва рухсатномаларни қўғош шаклидаги махсус бланкаларда мажбурий расмийлаштириш талаби бекор қилинади. Бунда берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни «Лицензия» ахборот тизимлари мажмуаси орқали олиш имконияти яратилади.

2017 йилнинг I чорагидан ишга тушириладиган «Лицензия» ахборот тизимлари мажмуаси:

тегишли давлат органига бормасдан туриб, «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини электрон шаклда олишга;

рухсатнома ва лицензиялар олиш тартиби ва муддатлари ҳақидаги, шунингдек рухсатнома ва лицензиялар реестридаги маълумотлардан масофадан туриб фойдаланишга;

«ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари бўйича рухсатнома ва лицензия бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш жараёни ва натижасини, қаерда ва қай тарзда мурожаат этганидан қатъи назар, кузатишга имкониятлар яратди.

Қарорни амалга ошириш, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишни янги сифат босқичига кўтаришга, аҳолининг давлатга нисбатан ишончини оширишга, «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган эзгу ғояни ҳаётга жорий этишга кўмаклашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ
ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИНГ МУҚАДДИМАСИГА
ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2095-5

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 23.01.2017 йилдаги 3 (763)-сон, 45-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 22 мартдаги 22, 2010-13-сон қарори (рўйхат рақами 2095, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 120-модда) билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоمنىң муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ва

2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг (бундан буён матнда ЯИТ деб қўрилади) энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ҳўжалик қўрувчи субъектлар томонидан ЯИТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва қорхоналарда ишловчи нотиронлар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисмида юридик шахсларга;

нотижорат ташкилотларига, шу жумладан бюджет ташкилотларига;

янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига, давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб, 6 ой давомидида, агар мазкур муддатда улар ўз ахтиёжлари учун объектлар қурган тақдирда, қўриб битказилган объектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санасидан бошлаб 6 ой ўтгунгача, бирок уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йилдан кўп бўлмаган даврда. Бунда, янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари, улар давлат рўйхатидан ўтган санасидан 6 ойлик муддат тугаган ойнинг кейинги ойидан

бошлаб, ўз эҳтиёжлари учун объектлар қурувчилар эса — қуриб битказилган объектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санадан 6 ойлик ёки давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йиллик муддат тугаган ойинг кейинги ойдан бошлаб,

ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯИТни тўлайдилар.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Молия вазири
Б.ХОДЖАЕВ.
1-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2017-01-сон

Тошкент ш., 2017 йил 10 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУГИ

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ОЛУВЧИЛАРНИНГ
ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ВА ШТАТ ЖАДВАЛЛАРИНИ ТУЗИШ,
ТАСДИҚЛАШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-1

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 23.01.2017 йилдаги 3 (763)-сон, 47-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макroiқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон буйруғи (рўйхат рақами 2634, 2014 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 612-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг

харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Вазир
Б.ХОДЖАЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 16 январь
5-сон.

ЎзР молия вазирининг
2017 йил 16 январдаги 5-сон буйруғига
ИЛОВА

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ХАРАЖАТЛАР
СМЕТАСИ ВА ШТАТ ЖАДВАЛЛАРИНИ ТУЗИШ, ТАСДИҚЛАШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 51-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирилиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлариининг молия бошқармалари касб-хунар коллежларининг харажатлар сметаси, штат жадваллари ва вақтинчалик харажатлар сметасини, улар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети шахсий газна ҳисобварақларини очиб, рўйхатдан ўтказди ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича касб-хунар коллежларининг жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси ва жамланма штат жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлигига белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.»

2. 75-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига киритиладиган ўзгартиришлар сони ҳисобга олинаётганда бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш учун бюджет ташкилотининг тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағларни бир моддадан бошқа моддага кўпайтиришни ёки камайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар ҳисобга олинмайди.»

**2016 ЙИЛНИНГ IV ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»
ҲАМДА «НОРМА МАСЛАХАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН
МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

Т/р	Меъёрий ҳужжатнинг номи	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ			
1	Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Қўчирма)	2016 йил 23 сентябрь, УРҚ-411-сон	41-сон «СБХ»

T/p	Меъёрий ҳужжатнинг номи	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ			
1	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида	2016 йил 12 октябрь	42-сон «Норма маслаҳатчи»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ			
1	Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2016 йил 5 октябрь, ПФ-4848-сон	41-сон «СБХ»
2	Алкоголлий маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қондаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2016 йил 16 сентябрь, ПҚ-2597-сон	41-сон «СБХ»
3	Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2016 йил 19 сентябрь, ПҚ-2603-сон	42-сон «СБХ»
4	Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида	2016 йил 21 октябрь, ПФ-4850-сон	44-сон «Норма маслаҳатчи»
5	Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2016 йил 26 октябрь, ПФ-4853-сон	45-сон «СБХ»
6	2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида	2016 йил 21 октябрь, ПҚ-2639-сон	45-сон «СБХ»
7	Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2016 йил 20 октябрь, ПҚ-2637-сон	47-сон «СБХ»
8	Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2016 йил 25 октябрь, ПҚ-2641-сон	47-сон «СБХ»
9	Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида	2016 йил 28 октябрь, ПҚ-2646-сон	47-сон «СБХ»
10	Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида	2016 йил 2 декабрь, ПФ-4861-сон	51-сон «СБХ»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ			
1	Савдонинг баъзи шакллари амалга ошириш тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2016 йил 15 сентябрь, 299-сон	40-сон «СБХ»
2	Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2016 йил 7 октябрь, 336-сон	43-сон «СБХ»
3	Вазирлар Маҳкамасининг «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2016 йил 26 октябрь, 362-сон	44-сон «Норма маслаҳатчи»
4	Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти тасдиқлаш ҳақида	2016 йил 27 октябрь, 365-сон	45-сон «СБХ»
5	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 19 сентябрдаги ПҚ-2603-сон қарори)	2016 йил 14 ноябрь, 385-сон	48-сон «СБХ»
6	Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида	2016 йил 31 октябрь, ПҚ-2647-сон	48-сон «СБХ»
7	Ариза берувчи – уй қурувчининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиялари асосида 2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида	2016 йил 24 ноябрь, 393-сон	49-сон «СБХ»

ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАР

T/p	Меъёрий ҳужжатнинг номи	Ҳужжатни тасдиқлаган орган	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ-4822-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ	2016 йил 20 сентябрь, 2826-сон	42-сон «СБХ»
2	Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	ЎзР ВМ ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Меҳнат вазирлиги, МВ	2016 йил 30 сентябрь, 2827-сон	43-сон «СБХ»

Махсус кийим-бош берилиши шарт

Синов даври мобайнида ходимни махсус кийим-бош ва махсус пойабзал билан таъминламаслик мумкинми?

А.Умаров.



— Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиш бериш иш берувчининг мажбуриятига киради (МКнинг 211-моддаси 1-қисми).

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади (МКнинг 86-моддаси 1-қисми).

Шу тариқа, агар меҳнат шартларига кўра ходимни махсус кийим-бош ва махсус пойабзал билан таъминлаш талаб этилса, бундай талаб дастлабки синовдан ўтаётган ходимга нисбатан ҳам бажарилиши шарт.

Ходимга янги иш ўрнини таклиф этдилар. Бироқ бўлғуси иш берувчи 2 ҳафта кута олмайди, сабаби унга зудлик билан ходим керак.

Ишдан бўшаётганда 2 ҳафта ишлаб беришдан бош тортган тақдирда ходим жазоланиши мумкинми?

Т.Афонина.

Ишлаб бермасангиз, прогул учун ишдан бўшатадилар

— 2 ҳафта ишлаб берадиган даврда ишга чиқмаслик интизомий жазо қўллашга сабабчи бўлиши мумкин.

Ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза бергандан кейин 2 ҳафта муддатда ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши керак. Узрли сабабсиз ишга чиқмасликини иш берувчи прогул сифатида баҳолашга, ходимга нисбатан эса МКнинг 181-моддасига мувофиқ интизомий жазо чораларини (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3 ва 4-бандларига биноан ҳайфсан, жарима ёхуд меҳнат шартномасини бекор қилиш) қўллашга ҳақли бўлади.

Огоҳлантириш муддати давомида ходим фақат иш берувчининг розилиги билан ишга чиқмаслиги мумкин. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин (МКнинг 99-моддаси 2-қисми).

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги: ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйилган павозимга сайланганлиги ва узрли деб топиш мумкин бўлган бошқа ҳоллар билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак (МКнинг 99-моддаси 5-қисми).

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Филиал вилоятда бўлганда...

Корхона Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида рўйхатдан ўтказилган. Балансида Тошкент вилоят Зангиота туманидаги бино мавжуд. Ҳозир ўша ерга ходимларни ишга олаётимиз.

Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган корхона Зангиота туманидаги филиалимизда ишга ўша ерда яшовчи ва вилоят пропискаси бўлган ходимни расмийлаштириши мумкинми?

Н.Акопян.

— Ҳа, шундай қилиш мумкин.

Иш жойи — ходим қабул қилинаётган корхона, муассаса, ташкилот (унинг бўлинмаси) номини белгилаш меҳнат шартномаси шартларидан бири ҳисобланади (МКнинг 73-моддаси). Агар ходим Тошкент вилоятида жойлашган филиалдаги ишга қабул қилинса, меҳнат шартномасида ушбу филиал жойлашган жойда ўз вазифаларини бажараётганлигини кўрсатиш зарур.

Сизнинг ҳолатда ходим ўз меҳнат вазифаларини Тошкент шаҳри ҳудудидан ташқарида бажариши сабабли Тошкент шаҳар пропискаси зарурлиги ҳақидаги талаб ушбу ходимга нисбатан татбиқ этилмайди (МКнинг 80-моддаси 3-қисми; Низомнинг 12-банди, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова).

Тимур Мўминов, «Norma Online» эксперти.

Мажбуриятни ҳужжат билан белгиланг

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш билан шуғулланишдан бош тортмоқда. Унинг сўзларига қараганда, етказиб берувчини топиш, шартнома тузиш, ҳимоя воситаларини харид қилиш ва сотиб олинган ушбу воситаларни ходимларга бериш билан бевосита раҳбарлар, ҳатто уларнинг лавозим йўриқномаларида бу ҳақда қайд этилмаган бўлса ҳам, шуғулланиши шарт эмиш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис ходимларни ҳимоя воситалари билан таъминлаш мажбуриятини бош тортишга ҳақлими?

А.Умаров.

— Ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш — иш берувчи ва цех бошлиғининг мажбурияти (АВ томонидан 14.08.1996 йилда 273-сон билан рўйхатдан ўтказилган Намунавий низомнинг 69, 133-бандлари).

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларига асосан назорат-услубият ваколатлари киритилган. Тегишли чора-тадбирларни, шу жумладан ҳимоя воситаларини сотиб олиш ва бериш чора-тадбирларини бевосита ижро этиш назарда тутилмаган (Низомнинг 43–54-бандлари). Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари уларнинг лавозим мажбуриятларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилиши мумкин эмас (Низомнинг 41-банди).

Шу билан бирга ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади (МКнинг 176-моддаси 2-қисми).

Шу тариқа, меҳнат шартномасида ёки корхонанинг бошқа локал ҳужжатида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис зиммасига ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш мажбурияти юклатилмаган бўлса, уни бажаришдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Иш берувчи ходимлар учун масъул

Биз лаборатория хизматларини кўрсатамиз. Буюртмачининг талабига кўра тўсилмаган платформада (ердан 3 м баландликда) ҳаво намуналарини олиш зарур. Баландликда ишлаш хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ ҳимояловчи камардан фойдаланиш (агар тўсиқ бўлмаса) ва уни сугурталовчи арқонга улаш зарур, мижознинг ҳудудиде эса сугурталовчи арқон йўқ.

Сугурталовчи арқонни ким ўрнатиши керак? Агар ижрочининг ходими йиқилиб, буюртмачининг ҳудудиде жароҳатланса, буюртмачи ва ижрочи қандай жавобгарликка тортилади?

А.Умаров.

— Хавфсизлик талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиш бериш иш берувчининг — мазкур ҳолатда ижрочининг мажбуриятига киради (МКнинг 211-моддаси 1-қисми; «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» эи Қонуннинг 23-моддаси 3-қисми). Айти у мазкур талабларни бузганлик учун жавобгар бўлади (МКнинг 211-моддаси 3-қисми).

Яъни ходимларнинг бажарадиган баландликдаги ишларнинг хавфсизлигини айнан сиз таъминлашингиз шарт. Тегишли харажатларни хизматлар қийматида киритиш ва буюртмачи ҳисобидан қоплаш мумкин.



Техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши оқибатларининг оғирлигига қараб маъмурий ёки жиноий жавобгарликка олиб келади.

Эркин Ҳосилов, «Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан

чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Фамилия эгасига ёқмаганда

Фамилия, исм ва ота исмини қандай қилиб тўлиқ ўзгартириш мумкин?

Л.Х.

— Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги ариза ариза берувчи 16 ёшга тўлган турар жойдаги ФХДЕ органи томонидан кўриб чиқилади (Қоидаларнинг X боби, ВМнинг 14.11.2016 йилдаги 387-сон қарорига 1-илова). Агар паспорт ёки унинг ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи ҳужжат олинганга қадар ариза берилса, у ҳолда унга туғилганлик ҳақида гувоҳнома илова қилинади.

Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризалар:

○ «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 15-моддасига биноан миллий-тарихий анъаналарга мувофиқлаштириш мақсадида;

○ суднинг ҳал қилув қарори асосида;

○ агар фамилия ва исм эшитилишда ёқимсиз бўлса;

○ агар улар миллатига тўғри келмаса;

○ хоҳишга қараб никоҳга бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда;

○ оила учун умумий фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (агар никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилия қабул қилишмаган бўлса);

○ 16 ёшга тўлган шахсга оталикни белгилашда кўриб чиқилади.

Аризга қуйидагилар илова қилинади:

➢ ариза берувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

➢ агар ариза берувчи никоҳда турган бўлса, у ҳолда никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, агар никоҳдан ажратилган бўлса — никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

➢ агар ариза берувчининг вояга етмаган болалари бўлса, у ҳолда болаларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари;

➢ ариза берувчининг паспортдан ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатдан кўчирма;

➢ агар ариза берувчи вояга етмаган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилиб бўлса, у ҳолда ота-онасининг ёхуд васий ёки ҳомиининг аризаси;

➢ 1 донга 3 × 4 см ўлчамли фотосурат.

Ўзгартиришлар киритилиши учун зарур бўлган далолатнома ёзувлари йўқолган тақдирда, фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ушбу ҳужжатлар тиклангандан кейин амалга оширилади.

ФХДЕ бўлими мудир йўғилган ҳужжатларни тегишли текширув ўтказиш учун ички ишлар органига жўнатади. ИИО уларни 30 кун мобайнида ўрганиб чиқади, ариза берувчининг шахсий маълумотларини ўзгартириш хусусида асосланган хулоса тузади. У ФХДЕ органига тақдим этилади, бу ерда асосланган хулоса тузилади. Агар у ижобий бўлса, туғилганлик тўғрисида, никоҳ тузилганлиги ёки никоҳдан ажралганлик тўғрисида, болаларининг туғилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувлари тегишли ўзгартиришлар киритилади ва янги гувоҳномалар берилади.

Ўзаро қонуний никоҳда турган эр ёки хотиндан бирининг фамилияси ўзгартирилиши иккинчисининг ҳам фамилияси ўзгартиришга сабаб бўлмайди. Ота-оналардан ҳар иккаласининг фамилияси ўзгартири-

лиши 16 ёшга тўлмаган болалари фамилиясининг ҳам ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Отанинг исмини ўзгартириши вояга етмаган болаларнинг ота исми ўзгаришига олиб келади. Вояга етган болаларнинг ота исми эса фақат уларнинг аризаларига кўра ўзгартирилади.

Аризани кўриб чиқишнинг умумий муддати — 2 ой. Ушбу маълумотларни ўзгартирганлик учун фуқаролардан давлат божи ундирилади:

16 ёшдан 18 ёшгача — ЭКИХнинг 50%и;

18 ёшдан ошганлар — ЭКИХнинг 100%и (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Ставкаларнинг 5-банди).

Вақтинча зарурат

Тошкентда пропискадан ўтган эр-хотин вақтинча рўйхатдан ўтмасдан ва қайта рўйхатга олинмасдан бошқа манзилда яшашга ҳақлими? Агар ҳақли бўлмаса, уларга нисбатан қандай жазо қўлланиши мумкин?

А.Валиев.

Тошкент ш.

— Бу ҳолда истиқомат қилаётган манзинингиз бўйича вақтинча рўйхатдан ўтишингиз зарур. Буни 3 кун мобайнида қилиш шарт (Низомнинг 41-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаш ЭКИХнинг 3 баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Рўйхатга олиниши лозим даражада расмийлаштирилмаган шахслар яшаб туришига йўл қўйган квартира эгаси эса ЭКИХнинг 10 баравари миқдоридан жарима билан жазоланади (МЖТКнинг 223-моддаси).

Ҳаммаси қонунга мувофиқми?

Фуқарога қайси хорижий давлатда бўлгани ва у ерда нималар қилгани ҳақида тўлиқ ҳисобот топшириш мажбуриятини юклайдиган қонун ҳужжати мажбурият? Хорижга сафардан сўнг 2 йил ўтгач тушунтириш хати талаб қилишга ҳақлимилар?

И.К.

Тошкент ш.

— «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари:

○ фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чоратадбирлар кўради;

○ паспорт-виза режимига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди.

Шунингдек профилактика суҳбати сингари ҳуқуқбузарликларнинг яққа тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари кўрилади (Қонуннинг 29-моддаси). **Мазкур вазиятда ходимларнинг хатти-ҳаракатлари ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.**

Шуни қайд этиш зарурки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари

чекланишига, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалада бўлишга, шахсий ҳаёт, ёзишмалар, телефонда сўзлашувлар, почта, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сир сақланиши, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ва яшаш жойини танлаш, шунингдек шахсий дахлсизлиги, уй-жой дахлсизлиги бузилишига йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўзига нисбатан профилактика чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевоқифа амалга оширувчи органининг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилишга ҳақли (Қонуннинг 46-моддаси).

Бошқа давлат фуқароси

РФ ҳудудидо доимий яшайман. Россия паспортини олдим, бироқ Ўзбекистон Республикаси консуллигини 30 кун ичида бу ҳақда хабардор қилмадим. Янги Қонун (23.09.2016 йилдаги УРҚ-411-сон) муносабатини билан бунда Ўзбекистон фуқаролигини йўқотаманми?

Т.Сергеев.

— Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилиши мумкин:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс 3 йил ичида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этиш натижасида олиingan бўлса;

4) агар шахс чет давлат фойдасини кўзлаб фаолият юритиш ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш орқали жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса;

5) агар шахс чет давлатнинг фуқаролигини олган бўлса.



Чет давлатнинг фуқаролигини қабул қилган шахс ушбу факт ҳақида 30 кун ичида Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идораларига ёки чет элдаги консуллик муассасаларига хабар бериши шарт («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида иккинчи фуқароликини олганлик ҳақида хабардор қилмаганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma Online» эксперти.

Истиқосий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта соҳанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
**Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ**

Нашр учун маъсул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
маъсул котиб
**Нодир Носирович
АЛИМОВ**

Адабий муҳаррир
**Зулфия
Саидмуратова
РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва хабар қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.

Газета нашр — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Кўроқ бечими — А3. Ҳажми — 2 босма табоқ. Басоҳат кўрсаткичи — 186.
Бўрилма 809. Адади 1 170. Газета 2017 йил 6 февраль соат 18.00 да топширилди.